

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ МО 3-98  
2012 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Урта махсус таълим вазирининг  
2012 йил “24 август” даги  
сонли буйруғи билан  
тасдиқланган

**“Кишлөк хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2017 йил 18 авгууст даги 4 -сонли баённомаси билан  
маъкулланган*

- Тузувчилар:
- “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаххарова.
  - “Таълим-тарбия жараёиларини ташкил этишининг конуничилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.
  - “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.
  - “Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймарданов, А.Обидов.
  - “Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари.
  - “Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.
  - Маҳсус фанлар бўйича: п.ф.н., доц. О.Авлаев, ўқитувчилар С.Мирзаева, Д.Жумашов, ф.-м.ф.н., доц. Н.Норалиев, ўқитувчи. С.Мухаммадиев, ф-м.ф.д., проф. Б.Сапаев, т.ф.д. проф. М.Тошболтаев, доц. А.Б.Амантурдиев, к.х.ф.н., доц. С.Т.Жўраев, к.х.ф.н. катта ўқитувчи М.Ашурев

- Такризчилар:
- ТДАУ “Агрокимё ва тупрокшунослик” кафедраси проф., б.ф.д. Х.М.Махсудов,
  - ТДАУ “Ўсимликишунослик” кафедраси доц., к.х.ф.н. Б.Азизов

Ўқув дастури Тошкент давлат аграр университети Кенгашининг қарори билан тасдикка тавсия қилинган (2017 йил 27.VI даги 9 сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик хужжатлари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Қишлоқ хўжалигига тизимли таҳлил.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғини кўпайтиришда инновацион технологиялар.
- 6.2. Фўза селекцияси ва уруғчилигига замонавий усуллар.
- 6.3. Дон ва дон-дуккакли экинлар селекцияси ва уруғчилигининг илмий асослари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнкима ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

**“Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги”** йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- **“Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги”** йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- яратилган нав ва дурагайларнинг уруғларини ишлаб чиқариш ҳамда уруғлар сифатини;
- селекция ва уруғчилик бўйича асосий қонун ва хужжатларни;
- қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигининг асосий мақсади ва йўналишларини;
- селекция учун бошланғич манбани яратиш усусларини (дурагайлаш, сунъий мутагенез, полиплоидларни сунъий яратиш ва ҳоказо);
- ғўза уруғчилигидаги инновацияларни;
- бошланғич манба, ўсимликларни генофондини;
- суперэлита, элита ва навдор уруғлар этиштириш усусларини **билиши керак.**

### **Тингловчи:**

- танлаш усуллари ва хиллари ҳамда уларни амалга ошириш тартибини қўллай олиш;
- селекция ютуқларининг бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош бўлишини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалик экинларида чатиштириш ўтказиш тартибини қўллаш **каби қўнималарига эга бўлиши лозим.**

### **Тингловчи:**

- селекция жараёнининг схемасини тузиш;
- элита ва юқори репродукция уруғларини етиштириш схемасини ишлаб чиқиш;
- уруғларни экиш сифатлари ва нормасини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалиги экинларида апробация ўтказиш ва уни расмийлаштириш;
- навдор уруғларни қўллашда иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш;
- элита ва юқори репродукция уруғларини етиштириш схемасини ишлаб чиқиш **бўйича малакаларига эга бўлиши зарур.**

### **Тингловчи:**

- селекция ва уруғчиликни самарали юритиши ташкил этиш;
- селекция ва уруғчилик ишчи қучи, техника воситалари бошқа материалларни ҳисоблаш;
- уруғчиликни ташкил этиш ва жойлаштириш учун ер майдонини тақсимланиш;
- уруғчиликни етиштириш учун энг юқори ҳосилли навларни, энг самарали техника воситаларини танлаш;
- қишлоқ хўжалик экинлар навларини танлаш, кўпайтириш ва етиштириш;
- селекция ва уруғчиликни такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар, маълумотларни излаб топиш ва амалга ошириш **бўйича компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги” йўналиши  
бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари  
ва уларнинг мазмуни**

**I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

**1.1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият  
ривожи ва таълим-тарбия масалалари.**

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

**1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик  
нормалари.**

Норматив-хуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиши ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонига

ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли Фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли қарори,

2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон қарори,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 марта “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура

тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа мөъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартағи “Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартағи “Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида”ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123 -сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларининг кечиши босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълим мини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психолого-педагогик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторида шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиши ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиши йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурый шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## **2.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар**

Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш технологиялари соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар. Жаҳон таълим тизимида педагогик фаолиятнинг турли кўринишлари. Тингловчилар билимини баҳолашда илғор хорижий технологиялар. Таълим-тарбия жараёнида тескари алоқани амалга ошириш йўллари. Таълим самарадорлигини оширишда тингловчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда назорат турларини кўпайтириш, назорат топшириқларини тайёрлашда илғор хорижий тажрибалар. Педагогик фаолиятда хорижий тажрибаларидан фойдаланиб машғулотларни таҳлил қилиш, таҳлилий-танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиши ўргатиш. Хорижий олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик кадрларини тайёрлаш ҳолати. Бунда қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш сифати самарадорлиги ҳамда кадрларнинг сифат мезонлари асосида ўқитиш технологияси.

### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб усқуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### **3.2. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари**

Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш. Мультимедиа компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Ахборотларни ташувчи технологиялар ва воситалар. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедианинг қўлланиши. Анимация. Қишлоқ хўжалик жараёнларининг ўқув анимацион моделларини яратиш. Қишлоқ хўжалик фанларидан маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боришда мультимедиа воситаларидан ва маҳсулотларидан фойдаланиш. Қишлоқ хўжалиги ва таълимга оид мультимидали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Қишлоқ хўжалиги электрон таълим ресурслари билан танишиш. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимидали маърузалар категориялари, муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиши учун масофавий таълим компонентлари (Электрон тестлар, видео дарсликлар)

Оммавий онлайн очиқ курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Евropa стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва қўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив муроқот муҳити, муроқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро муроқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Муроқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианatlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертиза ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

### **5.2. Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил**

Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил тушунчаси ва тамойиллар. Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Қишлоқ хўжалик тизимининг хусусияти ва тузилмаси. Қишлоқ хўжалигида тизимли таҳлил методологияси ва тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли услугуб ва тизимли ёндашув. Қишлоқ хўжалигида аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Соҳада аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Тингловчилар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Қишлоқ хўжалик экинлари уругини кўпайтиришда инновацион технологиялар**

Республикада қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ва уруғшунослигини ривожлантиришнинг асосий омиллари. Уруғчилик ва уруғшуносликни мувофиқлаштирувчи қонунлар, қарорлар ва талаблар. Уруғчилик ва уруғшунослик соҳасидаги анъанавий ва ноанъанавий усулларнинг аҳамияти. Уруғчилик ва уруғшуносликни кенг йўлга қўйиш чора-тадбирлари. Ўзбекистонда селекция-уруғчилик тизимининг қабул

қилингандай ташкилий тузилмаси. Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификатлаш ва стандартлаштириш. Уруғчилик ва уруғшунослик соҳасидаги анъанавий ва ноанъанавий усулларда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар. Уруғчиликни ва уруғшуносликни кенг йўлга қўйиш чоратадбирлари бўйича илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган ишлар.

## **6.2 Ғўза селекцияси ва уруғчилигида замонавий усуллар**

Ғўза генофонди селекцион-генетик изланишлар учун ноёб манба. Ғўзада генетик жиҳатдан бойитилган бошланғич манба яратишида турли хил дурагайлаш усулларининг самарадорлиги. Чигити таркибида (+)-госсипол миқдори юқори ғўза навлари селекцияси. Уруғчилик ва уруғшунослик соҳасидаги анъанавий ва ноанъанавий усулларнинг аҳамияти. Ғўзанинг дунёвий генофонди- фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси. Ғўза селекцияси ва уруғчилиги инновациясида бошланғич ашё ва чатиштириш услубларини тўғри танлай билиш. Ғўза селекциясининг асосий йўналишилари. Селекция ва уруғчиликни самарали юритишни ташкил этиш.

## **6.3. Дон ва дон-дуккакли экинлар селекцияси ва уруғчилигининг илмий асослари**

Дон ва дон-дуккакли экинлар генофонди селекцион-генетик изланишлар учун ноёб манба. Дон ва дон-дуккакли экинлар генетик жиҳатдан бойитилган бошланғич манба яратишида турли хил дурагайлаш усулларининг самарадорлиги. Уруғчилик ва уруғшунослик соҳасидаги анъанавий ва ноанъанавий усулларнинг аҳамияти. Дон ва дон-дуккакли экинларнинг дунёвий генофонди – фундаментал ва амалий тадқиқотлар асоси. Дон ва дон-дуккакли экинлар селекцияси ва уруғчилиги инновациясида бошланғич ашё ва чатиштириш услубларини тўғри танлай билиш. Дон ва дон-дуккакли экинлар селекциясининг асосий йўналишилари. Селекция ва уруғчиликни самарали юритишни ташкил этиш.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 103-сонли қарори.

### **III. Maxsus адабиётлар**

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.
2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.
3. Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014.–192 б.
4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.
6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.
7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.
8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004.
9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.
10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.– Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.
11. G’ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.– Т.., Fan, 2010.–686с.
12. Абдукаримов Д.Т. Дала экинлар хусусий селекцияси. Дарслик. Т., 2007. – 220 б.
13. Абдукаримов Д.Т. Қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги. Т., 2002. – 110 б.

14. Кимсанбоев О.Х. Современная селекция тонковолокнистых сортов хлопчатника. Т., 2001. – 155 б.
15. Узоқов Й, Қурбонов Ф. «Уруғчилик ва ургушунослик». Т. 2000.–45 б.
16. «Ўзбекистон шароитида ғалла, дуккакли дон ва ем-хашак экинлари селекцияси, уруғчилиги ва уларни етиштириш технологияси». ЎзҚҲА, Т., 1993. – 225 б.
17. Narrabri, NSW WEEDpak- A guide for integrated management of weed in cotton. Cotton Research and Development, . Australian Cotton Cooperative Reasearch Centre 2002
18. Brown, A.Y. D., Hurka, H.,Wendel, J.E., Risk of escape of transgenes from cotton into natural populations Of Gossipupium species. Challenging the Future. 256p. CSIRO, Melbourne, Australia, 2003.
19. Noel Ringsburg, Hybrid: The history ans Science of Plant breeding. p.140, Chicago Press. USA University of, 2009
20. Darbeshwar Roy, Plant Breeding: A Biometrical Approach, Alpha Science International Ltd-2012, United Kingdom-2012
21. Rex Bernardo, Essentials of PLANT BREEDING, Stemma press, USA-2014
22. Darbeshwar Roy, Plant Breeding: A Biometrical Approach, Alpha Science International Ltd-2012, United Kingdom-2012
23. S. N. Pandey, Ajanta Chadha, Plant Anatomy and Embryology, Vikas Publishing House Pvt Ltd, India-1996

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz).
6. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).
7. [www.boku.ac.at](http://www.boku.ac.at)
8. [www.uni-hohenheim.de/lernraumsemester](http://www.uni-hohenheim.de/lernraumsemester)
9. Web: <http://plantbreeding.boku.ac.at>
10. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)

### **“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор

У.Ш.Бегимқулов

201\_\_ й.

М.ў.

Тошкент давлат аграр университети  
хузуридаги педагог кадрлар қайта  
тайёрлаш ва уларнинг малакасини  
ошириш тармоқ маркази

Директор

А.В.Маматқулов

201\_\_ й.

М.ў.

### **КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув  
хўжалиги вазирлиги "Таълим муассасаларини  
мувофикалаштириш ва ривожлантириш бўлими"

Бошлиғи

Ш.Жоникулов

201\_\_ й.

М.ў.

